

ИЛГАРИ СУДЛАНГАН ШАХСЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси магистратура тингловчиси.

*A.Ў. Хайдаров**

Таянч тушунчалар: илгари судланган, рецидив жиноятчи шахс, жиноятчиликка қарши кураш жиноятчилик сабаблари, жиноятчи шахс, шахснинг ижтимоий мослашуви, ижтимоий қатлам, жиноятларни барвақт олдини олиш.

Аннотация. Мақолада илгари судланган шахслар жиноятчилигини олдини олиш бўйича амалга ошириладиган профилактик чора-тадбирлар гурухларга ажратилиб, ушбу тоифадаги шахслар билан олиб борилиши лозим бўлган ишлар юзасиданфикр ва мулоҳазалар билдирилган.

ПРОФИЛАКТИКА ПРЕСТУПНОСТИ РАНЕЕ СУДИМЫХ ЛИЦ УЛУЧШЕНИЕ МЕР

Основные понятия: ранее судимый, преступник-рецидивист, борьба с преступностью, причины преступности, преступник, социальная адаптация личности, социальный слой, ранняя профилактика преступлений.

Аннотация. В статье профилактические меры, которые необходимо осуществлять для предотвращения преступности ранее судимых лиц, разделены на группы, а также высказаны мнения и соображения относительно работы, которую следует проводить с данной категорией лиц.

CRIME PREVENTION FOR PREVIOUSLY CONVICTED PERSONS, IMPROVEMENT OF MEASURES

Key words: previously convicted, repeat offender, fight against crime, causes of crime, criminal, social adaptation of the individual, social class, early crime prevention.

Annotation. In the article, preventive measures that need to be implemented to prevent crime among previously convicted persons are divided into groups, and opinions and considerations are expressed regarding the work that should be carried out with this category of persons.

Жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш, жиноятчиликка қарши кураш бўйича ташкилий-

амалий чораларни кучайтириш, ахолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш билан боғлиқ вазифалар вазифа ҳисобланади. Хусусан, илгари судланган шахсларни иш билан бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб этиш ва касбга йўналтириш, таълим ва тарбиясини яхшилаш, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва бунга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, уларнинг турмуш-тарзи ва хатти-ҳаракатларини назоратга олиш рецидив жиноятчиликнинг барвақт профилактикасини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Жиноятчиликка қарши кураш амалиётида илгари судланган шахслар томонидан қайта жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг афзалликлари: *биринчидан*, салбий ҳодисаларнинг илдизи ва манбалари сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилгани; *иккинчидан*, қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга катта зарап етказиши мумкин бўлган воқеа-ҳодисалар занжирига дастлабки таъсирни кўрсатиши; *учинчидан*, криминоген омилларга улар эндиғина пайдо бўлаётган ва ҳали мустаҳкам илдиз отмаган вақтда, камроқ куч ва харажат сарф этган ҳолда таъсир қилиш, бартараф этиш ва кучсизлантириш имконига эгалиги; *тўртинчидан*, ҳуқук-тартиботни таъминлаш тизимида бошқа йўналишларга нисбатан инсонпарварлиги; *бешинчидан*, иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий, ҳуқуқий ва бошқа чора-тадбирларни комплекс қўллаш имконига эгалиги; *олтинчидан*, ошкоралик, кенг жамоатчиликнинг иштироки, омманинг фикрига таяниш принципларига а

Илгари судланган шахслар жиноятчилиги профилактикасини қуйидаги ташкилий чора-тадбирларга бўлган ҳолда ўрганиш ва таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Илгари судланган шахслар жиноятчилиги профилактикасининг ташкилий чора-тадбирлари. Мазкур йўналишда профилактика субъектлари фаолиятини режалаштириш, тадбирларни ташкил этиш, ушбу фаолиятни назорат қилиш, ишларни ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш кабиларни қамраб олиши лозим. Шу боисдан, илгари судланган шахслар жиноятчилиги профилактикасини ташкилий чора-тадбирларига қўйдагиларни киритиш лозим деб ҳисоблаймиз:

1) илгари судланган шахслар жиноятчилигининг олдини олиш бўйича ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

о

л

д
а

¹Зарипов З.С., Исмаилов И. Криминология: Дарслик. – Т., 1996. – Б.173.

2) илгари судланган шахслар томонидан содир этилган рецидив жиноятлар профилактикасини амалга ошириш бўйича малакали, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

3) мазкур субъектлар ходимларининг илгари судланган шахслар билан ишлаш фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича ягона мезонларни ишлаб чиқиши.

Илгари судланган шахслар жиноятчилиги профилактикасининг ҳуқуқий чора-тадбирлари. Мазкур йўналишда илгари судланган шахслар жиноятчилигига қарши қураш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва унинг ижросини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш ҳамда қонунийлик таъминланишига алоҳида эътибор бериш лозим. Бу борада илгари судланган шахсларнинг онгига таъсир қилувчи чора-тадбирлар тизимиға эга ҳуқуқий тарбия ва қонун ижодкорлиги кабиларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Хусусан:

1) илгари судланган шахсларни жиноят содир этишдан тийилишга мажбур қилувчи ёки ундан ихтиёрий қайтишга, жумладан улар томонидан қайта жиноят содир этишга таъсир қилувчи қонуности ҳужжатлар ишлаб чиқиши ва ижросини таъминлаш;

2) илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқий тартиботни таъминлаш ва улар онгида ҳуқуқий тушунчаларни шакллантириш;

3) маҳсус ҳуқуқий телекўрсатувлар тайёрлаш ва шу орқали илгари судланган шахсларни жиноят содир этишнинг оқибатлари нечоғли аянчли эканлигини кўрсатиш.

Илгари судланган шахслар жиноятчилиги профилактикасининг мафкуравий чора-тадбирлари. Ҳозирги даврда турли илгари судланган шахсларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун курашишнинг кучайганилигига алоҳида эътибор берилиши лозимлигидир. Чунки илгари судланган шахсларнинг тафаккури, онги, дунёқарашини эгаллаш кўпроқ мафкура майдонида амалга оширилмоқда. Шу боис барча даврларда мафкура курдатли куч сифатида буюк маданият шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Шунинг учун ҳам у ўзининг долзарблигини ҳеч қачон йўқотмайди.

Жаҳонда бугунги кунда ижтимоий таъсирларнинг жадал равища ривожланиши, фан ва технологиялар тараққиёти, ахборотлар оқимининг ортиб бориши, инсон омили билан боғлиқ фанлар олдига янги вазифалар қўйимоқда. Айниқса, жадал суръатлар билан ривожланган давлатларда юзага келаётган ижтимоий-психологик танглик ҳолатлари ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

«Ахборот майдонидаги кибержиноятчилик ва кибертерроризм хуружларини кучайиб бориши юзасидан хусусан, Бирлашган миллатлар

ташқилоти Бош Ассамблеяси, Европа Кенгаши, Шанхай ҳамкорлиги ташқилоти, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва бошқа ташқилотлар томонидан қайд қилинган статистик маълумотларга кўра ҳозирги вақтда 7 миллиардга яқин инсон (дунё аҳолисининг 95%) электра алоқасининг кўчма тармоқлари билан қамраб олинганинги, йилига кибержиноятчилик оқибатида етказилган моддий зарарнинг миқдори дунё ялпи ички маҳсулотининг 1% ни ташкил этишини кўрсатмоқда.

Шу боис, ҳозирда мафкуравий таҳдидларга, ғоявий ва ахборот хуружларга қарши мустаҳкам мафкуравий иммунитет шакллантиришнинг ижтимоий-психологик омиллари масаласи долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳонда ахборот хуружлари, ижтимоий онгнинг шаклланиш хусусиятлари, шахснинг ижтимоийлашуви, ғоявий курашнинг психологик механизmlари, психологик иммунитет, бузғунчи ва вайронкор мафкуралар билан мафкуравий иммунитет шаклланишининг психологик омиллари ўртасидаги боғлиқлик муаммолари бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мафкуравий профилактика – ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган турли шакллардаги ғоявий-тарбиявий, маънавий-мафкуравий ишлар мажмуи бўлиб, у бутун ғоявий тарбия тизимини қамраб олади. Мафкуравий профилактика ғоявий бўшлиқни тугатиш, мафкуравий парокандаликни олдини олиш ёки бирор-бир ҳудуд, қатlam, гурухни ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан халос қилиш мақсадида амалга оширилади. Бунда ғоявий таъсирнинг хилмахил усул ва йўлларидан фойдаланилади, турли воситалар қўлланилади.

Илгари судланган шахслар жиноятчилиги профилактикасининг маънавий-ахлоқийчора-тадбирлари. Илгари судланган шахсларнинг маънан ва ахлоқан етук бўлиб шаклланиши унинг рецидив жиноятчилик содир этишдан тийишини кафолатлайди. Илгари судланган шахсларнинг маънавий-ахлоқий хусусиятлари ҳам ўзига хос муҳит таъсирида бўлади.

Илгари судланган шахсларнинг ўзини тутиши, хулқи, шу жумладан жиноятчилик йўлига кириши маълум бир мазмун ва моҳиятга эга, яъни уларнинг ички маънавий-ахлоқий олами унинг хатти-ҳаракатларида ифодаланади.

Илгари судланган шахсларжиноятчилигининг маънавий-ахлоқийпрофилактик чора-тадбирлари тизимига қўйидагиларни киритиш тавсия этилади:

1) илгари судланган шахсларда маънавий-ахлоқий, миллий, диний, маҳаллий, оиласвий, хуқуқий қадриятларни шакллантириш ва мустахкамлаш;

2) умум эътироф этган ахлоқ-одоб нормаларини ишлаб чиқиш ва кенг оммага тарғиб қилиш;

3) илгари судланган шахсларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан юксалишига хизмат қилувчи кўрсатув, эшиттириш тайёрлаш ва оммавий ахборот воситаларида намойиш этиш;

4) илгари судланган шахсларда жамият олдидаги ўз бурчи ва масъулиятини чуқур англаб этиш фазилатларини шакллантириш мақсадида мутахассисларни таклиф қилган ҳолда учрашув, давра сухбати ва бошқа маърифий тадбирлар ўтказиш;

5) илгари судланган шахсларда маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва ривожлантириш учун амалга оширилиши мумкин бўлган намунавий чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Бу каби ёндашув ҳозирда маънавий-ахлоқий жиҳатдан янгиланиш босқичида турган илгари судланган шахслар ва улар томонидан содир этиладиган рецидив жиноятчиликнинг ҳар қандай тури, тоифасига қарши курашни мақсад қилиб олганлар учун алоҳида аҳамиятга эга лигини эътиборга олиш лозим. Ана шундай вазиятда криминология тавсияларига таянишга эҳтиёж сезилади. Зотан, илгари судланган шахслар томонидан содир этиладиган рецидив жиноятчилик ҳар бир кишилик жамиятига хос бўлган ижтимоий муаммодир.

Илгари судланган шахслар жиноятчилиги профилактасининг ижтимоий чора-тадбирлари. Мазкур чоралар аҳолини ижтимоий химоя қилиш ва қўллаб-куватланишини таъминлашга йўналтирилади. Уларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

илгари судланган шахслар бандлигини таъминлаш;

илгари судланган хотин қизлар тадбиркорлигини қўллаб-куватлаш ва уни ривожлантириш;

илгари судланган шахсларнинг ижтимоий қатламини ижтимоий ҳимоялаш;

илгари судланган шахсларнинг ижтимоий мослашуви, хусусан, уларни келажакда уй-жой билан таъминлаш.

Маълумки, ижтимоий ҳаётдаги у ёки бу жараён ўз мазмун-моҳиятига эга. Шунингдек, илгари судланган шахслар томонидан содир этиладиган рецидив жиноятчилик ҳам маълум бир қонуниятлар асосида ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзгариб бориши ўз илмий исботини топган. Айнан шундан келиб чиқсан ҳолда, белгиланаётган чора-тадбирлар илгари судланган шахслар томонидан содир этиладиган рецидив жиноятчиликнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва уни таҳлил этиш асосида кутилаётган натижаларга имкон яратади. Демак, илгари судланган шахслар томонидан содир этилаётган рецидив жиноятчилик мавжуд ижтимоий воқеликдир. Зоро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганлариdek, «Жиноятчиликнинг олдини олишда энг муҳим омиллардан бири бўлган ишсизликни бартараф этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу муаммони бартараф этмай туриб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича

К

Илгари судланган шахслар жиноятчилиги профилактикасининг иқтисодий чора-тадбирлари. Тадқиқоттаҳлиллари аксарият илгари судланган шахслар томонидан содир этиладиган рецидив жиноятчилик моддий етишмовчилик, кам таъминланганлик, ишсизлик натижасида содир этилишини кўрсатмоқда. Айни пайтда Н.Т.Волкова ва С.М.Иншаковларнинг «Қашшоқлик ахлоқийлик чегараларини ювиб кетади ва одам ҳамма нарсани қилишга тайёр бўлиб қолади»³ мазмундаги фикрларига асосланган ҳолда жиноятчилик, хусусан, илгари судланган шахслар рецидив жиноятчилигининг объектив ва субъектив сабаблари бевосита моддий (ижтимоий-иқтисодий) ҳамда маънавий-ахлоқий омиллар билан ўзаро алоқадорликда юзага келади⁴, деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, мазкур хулоса криминологик тадқиқотларда ҳам ўз тасдиғини топган⁵. Хусусан, жиноятчилик, шу жумладан илгари судланган шахслар рецидив жиноятчилигининг олдини олишнинг асоси аҳоли қашшоқлигини тўхтовсиз камайтириш, жамият аъзоларининг маданият ва онглилик даражасини оширишдан иборатdir⁶. Билдирилган фикрларни қўллаб-куватлаган ҳолда, илгари судланган шахслар томонидан содир этиладиган рецидив жиноятчиликнинг қуидаги иқтисодий чора-тадбирларини ташкил этиш лозим:

- 1) илгари судланган шахслар учун янги иш ўринларини яратиш;
- 2) илгари судланган шахсларни касбга йўналтириш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга кўмаклашиш;
- кам таъминланган, профилактик ҳисобда турган шахсларга моддий ёрдам бериш чораларини кўриш;
- 4) яшаш жойига эга бўлмаган илгари судланган шахсларни уй-жой билан таъминлаш;
- 5) илгари судланган шахсларни ишга жойлаштиришда ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилади.

Илгари судланган шахслар рецидив жиноятчилиги профилактикасининг тарбиявий чора-тадбирлари. Маълумки, илгари судланган шахсларнинг шахс сифатида камол топишида тарбиянинг ўрни катта. Бинобарин, Н.И.Минкинанинг

² Тартиб-интизом ва масъулятини кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш мухитини мустахкамлаш – хукукбузарликлар профилактикаси самарадорлигининг асосий омилидир // URL:<http://xs.uz> (Халқ сўзи, 15.11.2017).

³С.М.Иншаков. Зарубежная криминология. – М., 1997. – С.41.

⁴Т.Н.Волкова. О значении нравственности в предупреждении женской преступности// Предупреждение преступности. – Алматы, 2013. –№1(5). – С.66.

⁵Қ.Р.Абдурасулова Аёллар жиноятчилигининг жиноят-хукуқий ва криминологик муаммолари: Монография. – Т., 2005. – Б. 231.

⁶З.З.Нуриллоева Уголовно-правовая и криминологическая характеристика рецидивной преступности по законодательству Республика Таджикистан: Дис. ...канд. юрид. наук. – Т., 2010. – С.131.

таъкидлашича, «маданий (маънавий) тарбия нафақат халқнинг руҳий қувватини о

Фикримизча, илгари судланган шахсларни тарбиялаш нафақат ота-она, таълим муассасалари, маҳалла, балки бутун жамиятнинг вазифасидир. Чунки салбий хулқ-атворга эга илгари судланган шахслар жамият учун ижтимоий хавф туғдиради. Илгари судланган шахслар томонидан содир этиладиган рецидив жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ушбу тоифадаги шахсларга тарбиявий таъсир ўтказишида тизимли иш қўриш яхши натижаларни беради. Бироқ, айнан шундай ҳолатларда оила ёки жамоа илгари судланган шахсларни тарбиялашда жиддийлик билан ёндашилмайди.

Таҳлилларга кўра, жазони ижро этиш муассасасида жазо муддатини ўтаётган ҳар тўрт нафар шахслардан бирининг ота-онаси, яқин қариндошлари, опа ёки акаси муқаддам судланганлиги ёки жамият учун фойдали ишлар билан шуғулланмаганлигини кузатиш мумкин. Бундай ҳолатларда оиласадаги шароит шахснинг шаклланишига салбий таъсир қўрсатгани ҳолда, жамият манфаатларига ҳам зиён келтиради.

Илгари судланган шахслар жиноятчилиги профилактикасининг психологик чора-тадбирлари. Мазкур йўналишни шакллантиришда, аввало, илгари судланган шахсларгахос бўлган жиноятчилик содир этилишининг сабабларини ўрганиш, уларнинг ижтимоий тараққиётда тутган ўрни, вазифалари, психологик хусусиятларини билишни тақозо этади. Ҳеч шубҳа йўқки, илгари судланган шахсларнинг жамиятда тутган ўрни, турмуш тарзи даврий ўзгаришларга учраб туради. Бу эса, ўз навбатида, илгари судланган шахсларнинг шахсий сифатларини ҳам ўзгариб туришига таъсир этади.

Илгари судланган шахслар жиноятчилигининг психологик профилактик чора-тадбирларига қуйидагилар таклиф этилади: 1) илгари судланган шахсларга психологик ёрдам қўрсатиш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш; 2) илгари судланган шахсларда руҳий бузилишни аниқлашга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш; 3) мунтазам равишда илгари судланган шахслар ўртасида ижтимоий психологик муҳитни ўрганиб бориш ва сўровномалар ўтказиш; 4) илгари судланган шахсларда биофизологик жиҳатдан ривожланиш ёки ўзгаришлар кечадиган даврларда руҳиятида кузатиладиган бузилишлар натижасида салбий оқибатлар келиб чиқишининг барвақт олдини олиш бўйича психологик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунончи, жамият тараққиётига таъсир этувчи барча салбий ҳолатлар, айниқса илгари судланган шахслар жиноятчилигининг

у

з

а ⁷Н.И.Минкина. Роль культуры в жизни осужденных / Предупреждение преступности (кriminologicheskiy zhurnal). – Казахстан. – 2016. – №1 (5).– С.65.

барвақт олдини олиш муаммоларини ўз вақтида ҳал этиш мұхим ижтимоий вазифадир.

Шунингдек, илгари судланган шахслар жиноятчилигига қарши курашишни ташкил этишда ҳам, биринчи навбатда, ушбу психологик муаммони келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни аниқлаш алоҳида аҳамиятта эга. Ҳеч шубҳа йўқки, илгари судланган шахслар жиноятчилигининг барвақт олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган профилактик чора-тадбирлар биринчи галда илгари судланган шахсларнинг жиноятчилик йўлига киришига турткি берувчи ижтимоий салбий ходисаларни бартараф этиш илгари судланган шахсларни рецидив жиноят содир этишининг олдини олиш, хулқ-атвори рецидив жиноят сидир этишга моил бўлганларнинг хулқини тузатишнинг илмий асосланган усул ва воситаларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Юқорида таъкидланганлардан келиб чиқсан ҳолда айтиш мүмкінки, илгари судланган шахслар, жумладан жиноят содир этганларнинг ҳам хуқуқ ва манфаатларининг қонуний асосларини янада такомиллаштириш, уларни инсонпарварлик тамойилига мослаштириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бундай ҳолат илгари судланган шахсларни хулқ-атворини жамоатчилик назорати остида тузатиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. ¹Зарипов З.С., Исмаилов И. Криминология: Дарслик. – Т., 1996. – Б.173.
2. Тартиб-интизом ва масъулятини кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш мухитини мустаҳкамлаш – хуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигининг асосий омилидир // URL:<http://xs.uz> (Халқ сўзи,
3. ¹С.М.Иншаков. Зарубежная криминология. – М., 1997. – С.41.
4. ¹Т.Н.Волкова. О значении нравственности в предупреждении женской преступности// Предупреждение преступности. – Алматы, 2013. – №1(5). – С.66.
5. ¹Қ.Р.Абдурасулова Аёллар жиноятчилигининг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик муаммолари: Монография. – Т., 2005. – Б. 231.
6. ¹З.З.Нуриллоева Уголовно-правовая и криминологическая характеристика рецидивной преступности по законодательству Республика Таджикистан: Дис. ...канд. юрид. наук. – Т., 2010. – С.131.
7. ¹Н.И.Минкина. Роль культуры в жизни осужденных / Предупреждение преступности (криминологический журнал). – Казахстан. – 2016. – №1